

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ДАЛИЛ ТҮПЛАШ ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ҲОС ЖИХАТЛАРИ

Лазиз Зарифович Турдиев

ИИВ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ишни судга қадар юритишида далилларни түплаш тушунчаси илмий ва қиёсий-хуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шу билан бирга, далилларни түплаш институтини такомиллаштиришга оид тавсиялар илгари суринган.

Калит сўзлар: жиноят процессида далил, далилларни түплаш, терговга қадар текширувни амалга оширувчи оргнанинг мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, судья.

THE CONCEPT OF EVIDENCE GATHERING AND ITS SPECIFICITY IN PRETRIAL PROCEEDINGS

ABSTRACT

The article analyzes the concept of collection of evidence of scientific and comparative legal points of view. At the same time, recommendations are made on improving the institution of the concept of evidence assessment.

Keywords: evidence in criminal procedure, collection of evidence, proving, investigator, prosecutor, court, judge.

КИРИШ

Жиноят-процессуал қонунчилигида жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг айбдорлиги далиллар орқали исботланиши мустаҳкамланган. Бу эса жиноят-процессуал қонун нормалариға қатъий амал қилган ҳолда белгиланган талаблар асосида далилларни түплаш орқали жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо бериш ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш, қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашни кафолатлайди.

Бугунги кунда одил судловни амалга ошириш бўйича замонавий ва самарали тизимни жорий этиш, суд-тергов

фаолиятини такомиллаштириш, жиноят процессида далилларни тўплаш бўйича инновацион технологияларни кенг жорий этиш ва электрон далилларни тўплаш фаолиятини янада такомиллаштириш, далилларни тўплашга доир қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш ҳамда жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни синчковлик билан, тўла ва холис текширилишини талаб қиласди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛГИЯ

Республикамида жиноят-процессуал муносабатларда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказишда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки бузиш амалиётига барҳам бериш [1] борасида ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, сўнгги (2017–2021) йилларда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида далиллар мақбуллигига оид қонунчиликка зид равишда жавобгарликка тортилган жами 2956 (2017 йилда 263, 2018 йилда 867, 2019 йилда 859, 2020 йилда 781, 2021 йилнинг 1-чорагида 186) нафар[2] шахснинг судлар томонидан оқланганлиги далилларни тўплаш амалиётида далиллар мақбуллигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини якъол тасдиқлади. Келгусида бундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида одил судловнинг сифат ҳамда самарадорлигини янада ошириш, айниқса жиноят ишлари бўйича далилларни тўплаш тизимини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Далилларни тўплашда энг муҳим жиҳат иш учун аҳамиятлик ҳисобланади. Шунинг учун дастлаб далил тушунчасига эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси биринчи қисмида “Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади” [3]. – деб мустаҳкамлаб қўйилган. Қонуншунос томонидан берилган таърифда факат ҳақиқий маълумотлар далил бўлишига ургу берган. Иш учун аҳамиятли ҳолатларни тасдиқловчи, инқор этувчи, шубҳага олевчи қонун асосида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, суд томонидан тўпланган, текширилган, баҳолангандан маълумотлар ҳақиқий маълумот ҳисобланади. Ишни судга қадар юритиш босқичида дастлаб ўтказилган тергов

ҳаракатлари, тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш орқали фақат маълумотлар тўпланади. Ушбу маълумотларни ишга алоқадорлиги текширилиб иш учун аҳамиятлилиги исботлангандан сўнг суриштирувчи, терговчи, судья томонидан далил сифатида баҳоланади ва ишга қўшиб қўйилади. Далилларни қонун асосида тўпланишининг меҳайнизми жиноят-процессуал қонунчиликда тартибга солинган. Унга кўра далиллар тўплаш ЖПКнинг 87-моддаси биринчи қисмида, яъни “Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани экспромация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва хужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, шунингдек тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланади” - деб, кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, ЖПКнинг 87-моддасида белгиланган коидаларга кўра далилларни тўплаш учун ЖПК 86-моддасининг биринчи қисмида белгиланган шахслар тергов ва суд ҳаракатлари ҳамда тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиши, далил тўплаш жараёнида 88-моддасида белгиланган шартларга мувофиқ фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқлаш чораларини кўриши, шахсни ишда иштирок этиш билан боғлиқ ҳукуқларни таъминлаш, 89-моддасида белгиланган шартларга мувофиқ давлат сирлари бўлган хужжатлар ёки нарсалар билан боғлиқ далилларни тўплашда давлат сирларини қўриқлаш чораларини кўриши, шунингдек тўпланган далилларни ЖПКнинг 90-93-моддасида қўрсатилган шартларга мувофиқ баённома билан процессуал расмийлаштириши керак бўлади.

Далилларни тўплаш тергов ҳаракатлари, суд ҳаракатлари, тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш орқали тўпланиши қонун нормаларида белгиланган ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ушбу ҳаракатларни ўтказиш ваколатига эга. Жиноят ишига оид шундай маълумотлар борки улар тегишли давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотларда сақланади. Масалан: Етказилган зиённи миқдорини аниқлаш билан боғлиқ маълумотланинг айримлари молия органлари, банк

муассасаларида сақланади. Ушбу маълумотларни олиш учун ЖПКнинг 306-моддаси иккинчи қисмида мулкий зиённи миқдорини аниқлаш учун “... зарурат туғилганда бунинг учун молия органларидан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бууджетдан ташқари Пенция жамғармаси бўлимларидан ҳисоб-китоб талаб қилиб олади” -деб мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу маълумотларни олиш учун тергов ҳаракатларини ўтказиш шарт эмас. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, суд ушбу маълумотларни сўровнома юбориши орқали олиш ваколатига ҳам эганлиги белгиланган. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб далилларни тўплаш фақат тергов ва суд ҳаракатлари, тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш орқали эмас балки процессуал ҳаракатлар орқали ҳам амалга оширилади. Бу эса далилларни тўплаш тушунчасида бўшликлар мавжудлигини кўрсатади. Хозирги кунга қадар далилларни тўплаш тушунчасига ЖПКда таъриф берилмаган. Фақат далилларни тўплаш ваколатига эга бўлган субъектлар томонидан уларни тўплаш воситалари кўрсатиб ўтилган. Юқоридаги фикрлар далилларни тўплаш бўйича ягона тушунча қонунчиликка киритилишини тақозо этади. Далилларни тўплаш тушунчаси бўйича олимлар томонидан бир қанча фикрлар билдирилган.

ХУЛОСА

Хусусан, С.М.Рахмонованинг таъкидлашича, «далилларни тўплаш – суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан далилий ахборотни топиш, талаб қилиб олиш, қабул қилиб олиш ва процессуал қайд этишга ҳамда қонунда назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга оширишга йўналтирилган»[4]. Ушбу фикрда далилларни тўплашда кенг маънода процессуал ҳаракатлар тўғрисида фикр юритилган.

Е.Э. Курзинернинг фикрича, «далилларни тўплаш иш бўйича аҳамиятга эга бўлган маълумотларни аниқлаш, олиш (олиб қўйиш) ҳамда тергов ёки бошқа процессуал ҳаракатлар ёрдамида уларни процессуал тартибда мустаҳкамлашга қаратилган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг процессуал фаолиятидир»[5]. В.С.Попов далилларни тўплаш – бу ахборотни аниқлаш, қўлга киритиш (олиб қўйиш) ва уни тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар ёрдамида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья) томонидан процессуал мустаҳкамлашдан иборат бўлган процессуал фаолиятдир деб таъкидлайди[6].

Е.Б. Смагоринская далилларни тўплаш деганда,

суринширувчи, терговчи, прокурор, суд ва ҳимоячининг процессуал тартибда жиноят ишига тааллуқли ахборотни аниқлаш, талаб қилиб олиш, қабул қилиб олиш, қайд қилишга қаратилган фаолияти тушунилади деб таъкидлайди. Фикримизча олимлар томонидан берилган тушунчалар қисман ёритилганлигини инобатга олиб, далилларни тўплашга қуидагича тушунча берсак мақсадга мувофик.

Далилларни тўплаш бу – қонунда белгиланган ваколатга эга субъектлар томонидан тергов ҳаракатлари, суд ҳаракатлари, тезкор-қидириув тадбирларини ҳамда процессуал ҳаракатларни ўтказиш орқали маълумотларни қидириши, тошии, баённомага расмийлаштириши ва олиш орқали амалга ошириладиган процессуал жараёнидир.

ЖПК 87-моддасига юқоридаси қўрсатилган ўзгартишни киритиш мавжуд бўшлиқнинг бартараф этилишига хизмат қиласди, деб ҳисоблаймиз

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Судтергов фаолиятида шахснинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон Фармони // <https://www.lex.uz/docs/4939467>.
Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судларнинг 2017–2020 йиллар ҳамда 2021 йил биринчи чорагидаги фаолият якунлари бўйича асосий кўрсаткичлари // https://stat.sud.uz/file/2021/4-27/jib_2021_03.pdf.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси: (2021 йил декабргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази, 2021. – Б.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси: (2021 йил декабргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази, 2021. – Б.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси: (2021 йил декабргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази, 2021. – Б.
5. Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism: Darslik / Mualliflar jamoasi. – Т.: TDYU, 2017. – Б. 168.

6. Курзинер Е.Э. Актуальные вопросы доказывания в уголовном судопроизводстве Российской Федерации: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Челябинск, 2009. – С. 7.
7. Попов В.С. Участие адвоката-защитника в процессе доказывания на стадии предварительного расследования и в суде первой инстанции: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Челябинск, 2005. – С. 8.